

## Сулаймон ибн Абдулмалик



14:05 / 07.09.2025 1064

*(халифалик даври: ҳижрий 96-99; милодий 714-717)*

Тўлиқ исми: Сулаймон ибн Абдулмалик ибн Марвон. У халифа бўлишидан олдин Рамлага волий эди. Халифаликни отасининг аҳдномасига биноан олди. Унинг отаси ўғиллари Валид ҳамда Сулаймонларнинг кетма-кет халифа бўлишини васият қилган эди. Шунинг учун Валиднинг вафотидан кейин Сулаймон халифа бўлди.

Сулаймон ибн Абдулмалик халифа бўлганидан кейин намозни ўз вақтида адо этиш тўғрисида амр чиқарди. Унгача одамлар кимдир аввалроқ, кимдир кейинроқ намоз ўқишга одатланиб қолган эди. Унинг ҳукмдорлигининг дастлабки даври ўз шахси учун одамлардан интиқом олиш билан ўтди. Унинг мақсади Валиддан кейин Сулаймон ибн Абдулмалик эмас, Валиднинг ўғли халифа бўлишига маслаҳат қилган

таниқли одамлардан ўч олиш эди. Уларнинг ичида Муҳаммад ибн Қосим Сақафий, Қутайба ибн Муслим, шу билан бирга, Ҳажжож ибн Юсуфнинг қариндошлари ҳам бор эди. Сулаймон ибн Абдулмалик уларга қарши қаттиқ жазо чораларини кўрди. Мусо ибн Нусайрни ҳам жазолади.

Сулаймон ибн Абдулмалик ҳижрий 97 (милодий 715) йилда ҳажга бориб, у ерда ўзидан кейин амакисининг ўғли Умар ибн Абдулазизнинг халифа бўлишига аҳднома олди. Бу Сулаймон ибн Абдулмалик қилган энг хайрли ишлардан бири эди.

### **«Ислом тарихи» иккинчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.